

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 26-aprel, shanba № 32 (15774)

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишининг бориши билан танишиш мақсадида 25 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида иқтисодий модернизициялаш ва диверсификациялаш, замонавий бизнес инфратузилмасини ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Юртимиздаги макроиқтисодий барқарорлик ва қулай сармоявий муҳит таъсирида энг ривожланган давлатлар, нуфузли молия муассасалари мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Бунинг самарасида янги-янги замонавий корхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистон учун Корея Республикаси вақт синовидан ўтган ва ҳар жиҳатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, фирма ва компаниялар доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар соҳаларда қарор топган муносабатлар 2006 йилда имзоланган Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма декларация руҳида изчил ривожланиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорликда янги-янги ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилмоқда.

Сурғил кони негизда бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасидир. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ доллари ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкони беради.

Президентимиз Ислон Каримов 25 апрель куни ушбу йирик саноат корхонасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

— Бундай йирик ва муҳим лойиҳани Корея Республикаси билан ҳамкорликда амалга ошираётганимиз бежиз эмас, — деди давлатимиз раҳбари. — Ўзбекистон Корея Республикасига улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга ривожланган давлат сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасида қарор топган мустақам ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

Устюрт газ-кимё мажмуаси нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан биридир. «Project Finance International» халқаро нашри ушбу мажмуани қуриш лойиҳасининг лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этган. Шунингдек, у «Trade Finance Magazine» ва «Global Trade Review» нашрларининг «2012 йилнинг энг яхши битими» халқаро мукофотларига сазовор бўлган.

(Давоми 2-саҳифада)



6-бетга қаранг

Рустам Назарматов олган суратлар

■ Muhammad Yusuf tavalludining 60 yilligi ■

ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

Соғлом ва мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол инсонни тарбиялаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларни эзгу гоёлар руҳида камол топтиришда миллий адабиётимизнинг ўрни ва аҳамияти катта. Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида бадий адабиётни рағбат топтириш, бу йўлда фидокорона меҳнат қилган ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, марҳум ижодкорлар хотирасини эъзозлаш масаласи доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф жўшқин ва серқирра ижодий фаолияти, жонажон Ватанимиз, мустақиллигимиз, меҳнатсевар халқимизни мадҳ этувчи шеърлари билан адабиёт мухлисларининг ардоғига сазовор бўлган ҳасос ижодкорлардан эди.

Шу кунларда юртимизнинг барча ҳудудларида Ватан ва истиқлол куйчи-

си таваллудининг 60 йиллиги кенг нишонланмоқда. Таълим даргоҳлари, корхона ва ташкилотлар, меҳнат жамоалари, маҳалларда, ҳарбий қисмларда шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабий учрашувлар, анжуманлар, маънавий-маърифий тадбирлар, адабиёт кунлари бўлиб ўтмоқда.

«Туркистон» саройида

25 апрель куни Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигига бағишланган ижодий кеча бўлиб ўтди. Унда парламент аъзолари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмлари раиси М.Аҳмедов, «Ўзбекино» миллий агентлиги бош директори Ж.Қосимов, Ўзбекистон халқ артисти А.Рафиқов Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизнинг узвий

ва муҳим қисми бўлган адабиётни ривожлантириш, шоир ва ёзувчиларимизнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бадий сўз санъати, унинг ривожини йўлда меҳнати сингган ижодкорлар хотирасини ардоқлаш борасида кўрсатилаётган эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир.

(Давоми 2-саҳифада)

МАМЛАКАТИМИЗ ҚУДРАТИНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

2014 йил 13 мартда яна бир нуфузли халқаро нашр — «Infrastructure Journal» ушбу газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳасини «Нефть-газ соҳасидаги 2014 йилнинг глобал битими» нуфузли мукофоти билан тақдирлади.

Мазкур лойиҳа қўшма корхона муассислари бўлган Жанубий Кореянинг «Kogas», «Lotte Chemical», «STX Energy» компаниялари ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 1,4 миллиард доллар ҳажмидаги тўғридан-тўғри инвестицияси, шунингдек, 2,5 миллиард дол-

лардан зиёд кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришда Осиё тараққиёт банки, Korea Development Bank, Korea Finance Corporation (Корея Республикаси), China Development Bank (Хитой), ING (Нидерландия), Hermes, KfW, Bayern LB, Siemens Bank (Германия), Credit Suisse (Швейцария), EKN, Nordea, SEC (Швеция) каби тараққиёт банклари ҳамда етакчи тижорат банклари, шунингдек, Жанубий Корея, Германия ва Швециянинг лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган банкларга сўғурта тўловларини тақдим этган

экспорт-импорт агентликлари сингари нуфузли молия муассасалари иштирок этаётгани ушбу лойиҳанинг нақадар истиқболли эканидан далолат беради.

2012 йилда бошланган қурилиш ишлари бугунги кунда жадал давом этмоқда. Замонавий инфратузилма объектлари барпо этилиб, ускуналар ўрнатилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассислар билан суҳбатлашди.

Меҳнатсеварлик, самимийлик, бағрикенглик каби фазилатлар ўзбек ва корейс халқларига бирдек хос, деди Ўртбошимиз.

Мажмуа қурилишида 6 минг 400 га яқин киши меҳнат қилмоқда. Уларнинг 3 минг 500 дан зиёди юртимиз мутахассислари бўлиб, аксарияти ёшлардир.

Биз мустақиллигимизнинг илк йилларида келажаги буюк давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик, деди Президентимиз. Бугун замонавий билимларни пухта эгаллаган, мана шундай ноёб заводларда ишлаётган ёшларимизга қараб қувонамиз ва ана шу эзгу ниятларимизга эришаётганимизнинг амалий ифодасини кўрамыз.

Давлатимиз раҳбари бу ерда меҳнат қилаётган ишчи ва мутахассисларнинг яшаш

ва меҳнат шароитлари билан қизиқди.

Учрашувда «Uz-Kor Gaz Chemical» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси бошқаруви раиси Ли Хонг Йол, «Lotte Chemical» компанияси директори, лойиҳанинг техник раҳбари Хюн Чул Пак, «Hyundai engineering» компанияси менежери, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиш майдони раҳбари Ким Ван Су ва бошқалар яратилган қулай шарт-шароит, доимий эътибори учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари



ВАТАН ВА ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Мухаммад Юсуф халқимиз маънавияти, онгу тафаккурини юксалтириш, ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий гурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу фазилатларни камол топтириш борасида ёрқин истеъдоди, бетакрор бадиий асарлари, ибратли ижтимоий фаолияти билан катта ҳисса қўшган. Унинг истиқлолимизга садоқат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини маҳорат билан тараннум этган шеърлари, дostonлари адабиёт мухлислари, бутун халқимизнинг кўнгил мулкига айланган.

Мухаммад Юсуфнинг «Таниш тераклар», «Ишқ кема-си», «Эрка кийик», «Ўзингдан қўймасин, халқим» каби шеърини тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган. Унинг Ўзбекистонимизни, меҳридарё халқимизни, беғубор ва самимий туйғуларни тараннум этувчи шеърлари асосида яратилган қўшиқлар санъат мухлислари қалбидан жой олган.

Шоирнинг адабиётимиз равнақи йўлидаги меҳнатлари муносиб тақдирланган.

Президентимиз Исро Каримовнинг фармонлари билан Мухаммад Юсуф «Дўстлик» ордени, Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан мукофотланган эди.

Давлатимиз раҳбари қарори билан шоирнинг олтинчи йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда кино ижодкорларимиз томонидан унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳужжатли фильм яратилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида шоирнинг «Сайланма» асарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Адиб» нашриётида «Мухаммад Юсуф замондошлари хотирасида» тўплами чоп этилди. Шоир таҳсил олган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидан унинг ибратли фаолиятига бағишланган музей хонаси ташкил этилди. Мазкур университет талабалари томонидан шоирнинг шеърлари кўплаб хорижий тилларга таржима қилиниб, китоб ҳолида чоп этилди.

Ижодий кечада Мухаммад Юсуфнинг умр йўлдоши Назира Саломова юсак эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

— Истиқлол барча қалам

аҳли сингари Мухаммад аканинг ҳам эркин ва самарали ижод қилиши учун кенг имкониятлар яратди, — дейди Н.Саломова. — Давлатимиз раҳбари томонидан унинг меҳнатлари юсак эътироф этилиб, хотирасини эъзозлаш юзасидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибордан бошимиз кўкка етди.

Адабий кечада ҳассос шоир ҳаёти ва фаолиятига оид янги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Концерт дастурида шоир шеърлари билан айтилаётган ашулалар янгради.

Ижодий кечада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

Шу кунга Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуф яшаган пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Пушкин-Солор кўчасидаги 1-уйда шоир хотирасига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди.

Халқимизнинг ардоқли шоири хотирасига бағишланган ижодий кечалар, маърифий анжуманлар, мушоиралар давом этмоқда.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда MIT.uz. II миллий интернет танлови бошланганини эълон қилди. Танловдан кўзланган мақсад — ёшлар учун янги интернет ресурслар яратиш ва мавжудларини янада ривожлантиришдан иборат.

МИЛЛИЙ ИНТЕРНЕТ ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган биринчи миллий интернет танлови 2013 йилнинг март-август ойларида ўтказилган эди. Йилнинг кенг қўламли медиа лойиҳасига айланган ушбу танлов ёшларни глобаллашув шароитида ахборот таҳдидларидан ҳимоя қилиш, уларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, шунингдек, амалга оширилаётган ислохотларни интернет ёрдамида кенг ёритишда ёшларнинг иштирокини таъминлашга қаратилган ва унда 13 йўналиш бўйича 1100 нафарга яқин ёш дастурчи иштирок этган эди.

Бу йилги II миллий интернет танлови Президентимиз Исро Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ўтказилмоқда.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, бу йилги танлов ўн та асосий ва тўртта қўшимча йўналишлар бўйича бўлиб ўтади. Унда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган веб-дизайнерлар, дастурчилар, интернет сайтлари муаллифлари, фотомухбирлар, журналистлар ва ёш ижодкорлар ўз сайтлари, интернетга жойлаштирилган фото ва видеоматериаллари билан қатнашиши мумкин. Танловда иштирок этаётган веб-сайтлар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки интернетдан фойдаланувчилар томонидан ҳам баҳолаб борилади.

Ғолиблар юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва санъати, истиқлол ғоялари, маънавий қадриятларимиз, иқтисодиёт, сайёҳлик салоҳияти, маҳалла, қишлоқ ва шаҳарлардаги фаровон ҳаёт, шунингдек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларини акс эттирган энг яхши веб-сайтлар сингари йўналишлар бўйича эълон қилинади. Ёшлар иштирокида ўзбек мумтоз адабиёти ва шеърининг кенг тарғиб этадиган энг яхши ролик, мамлакатимиз табиати ва тарихий ёдгорликларини намойиш этадиган интернет тармоғидаги энг яхши фотогалереялар танлаб олинади.

Бундан ташқари, «Давлат тилидаги энг яхши сайт», «Икки тилда яратилган энг яхши сайт», «Мобиль алоқа воситалари учун мўлжалланган энг яхши сайт ёки қўшимча дастур», «Энг яхши сайт дизайни» каби қўшимча номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланади.

MIT.uz миллий интернет танловида иштирок этиш учун аризалар жорий йилнинг 25 апрелидан 1 июлига қадар қабул қилинади. Ғолибларни тақдирлаш маросими «InfoCOM-2014» аъъанавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади.

Миллий интернет танловида оид қўшимча маълумотларни www.mit.uz сайтидан олиш мумкин.

Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА мухбири

Harbiy vatanparvarlik

ЮРТНИНГ ЁШ ҚАЛҚОНЛАРИ

Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрида «Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақасининг якуний — республика финал босқичи бўлиб ўтди

Мазкур лойиҳа 2011 йилдан буён

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Унда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари ўқувчиларидан иборат жамоалар иштирок этади.

Жорий йилда «Ёш чегарачилар» ҳарбий ватанпарварлик мусобақаси Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»га мувофиқ ташкил этилди.

Беллашувнинг ҳудудий босқичларида беш минг нафарга яқин ўқувчи қатнашди. Таъкидлаш керак, ҳар бир жамоа нафақат йигитлар, қизлардан ҳам ташкил топган. «Ёш чегарачилар» дастлаб ўз таълим муассасалари доирасида саралалаб олинди. Бунинг учун улар югуриш, турникка тортилиш, автомат йиғиш, граната улоқтириш, сафда юриш каби ҳарбий ўқув ҳамда жисмоний тайёргарликни талаб қилувчи шартлар бўйича билим ва маҳоратларини намоиш этишди. Натижада, ўн учта энг кучли жамоа финал босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Ҳал қилувчи беллашувлар олдида ҳудудий босқичда ғолиб бўлган жамоалар аъзола-

ри — жами 130 нафар йигит-қиз дастлаб пойтахтда учрашди. Ўқувчилар «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гул қўйиб, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан танишдилар.

Мусобақанинг финал баҳслари уч кун давом этди. Жамоалар ўн еттита шарт бўйича беллашди. Шунингдек, иштирокчилар учун маданий дастур, жумладан, «Odnoklassniki.ru» бадиий фильмининг намоиши ва фильм ижодкорлари билан учрашув, ҳарбий ватанпарварлик мавзусидаги ҳужжатли фильмлар намоиши, эстрада хонандаларининг концерти ташкил қилинди.

Мусобақа якунига кўра, 1-ўринга Сурхондарё вилоятининг «Бургут» жамоаси сазовор бўлди. 2-ўрин Фарғона вилояти, 3-ўрин бухоролик ўқувчиларга насиб этди. Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

— «Ёш чегарачилар» лойиҳасини мактабданок кузатиб бораман, — дейди Когон саноат



ва транспорт касб-ҳунар коллежининг «Қалқон» жамоаси сардори Бунёд Эргашев. — Коллежни тамомлаб ҳарбий билим юртига ўқишга киришни режалаштирдим. Тайёргарликни анча олдин бошлаб юборганман. Ҳар куни жисмоний машқлар қиламан, югурман, футбол ўйнайман. Жамоамиз Бухоро шаҳридаги ҳарбий қисмда машғулотлар олиб борди. Ҳарбий интизом қандай бўлишини, айрим ҳарбий манёврларни бажариш тартиби, сафда тўғри юриш ва саф қўшиғини айтишни шу ерга келиб, аскар акаларимиздан кўриб ўргандим. Мусобақада ҳарбий соҳага доир назарий саволлар ҳам берилди. Шу билан бирга, бу йили илк мартаба тарих, география каби фанлардан билимимизни инглиз тилида синовдан ўтказиш-

га тўғри келди. Вилоятда ўн учта жамоа билан куч синашдик. Ўзимизга ишонч ва ирода ғолиб бўлишимизга ёрдам берди.

Сурхондарёлик Дилафрўз Ёрхонова Термиз туманидаги Янгиариқ қишлоқ хўжалиги коллежининг 1-курсидан ўқийди. Қиз бола, устига-устак, таълим йўналиши ҳам ҳарбий соҳага сира яқин эмас. Аммо у ҳақиқий автоматни шунчалик тез сочиб-йиғадики, кўриб ақлингиз шошиб қолиши ҳеч гап эмас. Роп-

па-роса олти сония. Бу жиҳатдан Дилафрўз «Ёш чегарачилар» мусобақаси тарихида рекорд натижани қайд этди. Финалда ҳам эпчиллик бобида Сурхоннинг алп қизига тенг келадиган топилмади.

— Автомат билан «муомала қилиш»ни коллежимизда ўтиладиган қақриққача ёшларни тайёрлаш дарсларида ўрганганман, — дейди Дилафрўз Ёрхонова. — Машқ қилавериш шу тезликка эришдим. Жамоада ўн кишимиз. Мусобақанинг барча шартларига жиддий ва пухта тайёрландик.

Шунга қарамай, жамоанинг ҳар бир аъзоси бошқалардан қайсидир жиҳати билан устунроқ. Кимдир назарияда кучли, бировнинг жисмоний нормативлари юқори, бошқа биров ҳарбий машқларни қойилмақом бажаради. Биринчи йил қатнашаётган бўлсам-да, бу мусобақа менда ҳарбий ишга қизиқиш уйғотди. Келгусида шу соҳани танласам керак. Ҳаракатларимиз зое кетмаганидан хурсандман. Биринчи ўринни қўлга киритдик. Энди уйга ёруғ юз билан қайтамыз.

Дилафрўз Ёрхонова Янгиариқ қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг «Бургут» жамоаси аъзоси (Сурхондарё вилояти)

Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» муҳбири
Рустам Назарматов олган суратлар

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бир-биридан қизиқарли, ташаббус ва ғояларга бой лойиҳалари давом этади. Ҳозир жойларда «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақаси ҳамда «Менинг бизнес ғоям» танловининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар босқичлари бўлиб ўтмоқда. Таҳририятимизга узоқ-яқиндан келган беллашув тафсилотлари ҳақидаги янгиликларни эътиборингизга ҳавола этамыз.

ЖИЗЗАХ. Маънавият-тарғибот марказида «Менинг бизнес ғоям» танловининг Жиззах вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 130 нафар академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари қатнашди.

Иштирокчилар тикувчилик, ҳунармандчилик, маиший хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича ўзларининг тадбиркорлик

«ШУНҚОРЛАР» САРАЛАНМОҚДА

ЖИЗЗАХ. «Шунқорлар» ҳарбий-спорт мусобақасининг Жиззах вилояти босқичи ўтказилди. Унда мусобақанинг ҳудудий босқичида ғолиб бўлган жамоалар қатнашди.

Натижаларга кўра, Бахмал касб-ҳунар коллежининг «Ёш чегарачилар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди. Иккинчи ўрин Жиззах шаҳрининг «Алпомиш» жамоасига насиб этган бўлса, учинчи ўринга Жиззах туманининг «Буюк Турон» жамоаси муносиб деб топилди.

Ғолиблар Ҳаракатнинг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

Моҳичехра ЎРОЛОВА

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ.

«Камолот» ЁИХ Тошкент вилояти кенгаши «Шунқорлар» ҳарбий спорт мусобақасини ташкиллаштирди. Мусобақада ўн саккизта жамоа белгиланган шартлар бўйича ўзаро беллашди.

Бекобод туманининг «Қалқон» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди.

— Беллашувга пухта, қизгин тайёргарлик билан келган эдик, — дейди «Қалқон» жамоаси аъзоси Зухриддин Раҳимов. — Мана, ҳаракатимиз исзиз кетмади, «Шунқорлар»да ғолиб бўлдик. Энди мусобақанинг республика босқичида фаолликни сусайтирмай, юқори натижаларга эришишга интиламиз.

Дилором АБДУҒАФФОРОВА

ЭНГ ЯХШИ БИЗНЕС ҒОЯЛАР

қобилиятларини кўрсатдилар.

Қизғин ўтган танловда пахтакорлик Шахло Санақулова ғолиб бўлди. Иккинчи ўрин Дўстлик туманидан Розия Саидрасуловага, учинчи ўрин эса Жиззах туманидан Мунира Муҳаммадиевага насиб этди.

Танлов сўнгида ғолиблар имтиёзли кредитларга эга бўлди. Биринчи ўрин соҳибига беллашувнинг республика босқичида қатнашади.

Дилшод ЭРГАШОВ

НАВОИЙ. Навоийдаги «Ёшлар маркази»да «Менинг бизнес ғоям» танловининг вилоят босқичи ўтказилди.

Танловда олтмиш нафар академик лицей, касб-ҳунар коллежи битирувчилари иштирок этди. Улар бизнес режалари бўйича тақдимотлар қилишди. Ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг аънавий санъат, миллий ҳунармандчилик, касаначилик, хизмат кўрсатиш соҳасига оид лойиҳаларини баҳолаб боришди. Танлов доирасида йиғилганларга тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар, имтиёзлар хусусида маълумот берилди.

Бир қатор ёшларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун имтиёзли кредит ажратиладиган бўлди.

Отабек АСЛОНОВ

■ 2014-yil — Sogʻlom bola yili ■

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

Фарзандлари билан хиёбонда сайр қилиб юрган икки ёш онанинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири боласи кейинги пайтларда йиғлоқи бўлиб бораётгани, кечалари яхши ухламай безовта бўлишидан нолиди. Суҳбатдоши унга бундай вазиятда болани тинчлантиришнинг бир неча усуллари тавсия қилди. Алла айтса, бола тез ухлаб қолишини, агар ўзи алла айта олмаса, мобиль телефонга ёзиб олинган алла ёки қўшиқни эшиттириш ҳам фойдали эканини маслаҳат берди. Ўзининг қўл телефонига ёзилган бир қанча мусиқа ва аллаларни дугонасининг телефонига кўчириб берди...

Алла замирида халқимизнинг инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳамжихатликни улғуловчи эзгу қадриятлари муҳасам. Алла оналар томонидан бешик ёки беланчакни тебратган ҳолда ижро этиладиган, онанинг болага бўлган меҳр-муҳаббати, орзу-умидлари, яхши ният ва тилаклари ифода этадиган қўшиқдир.

Бундай эзгу қадриятларимизни асраб-авайлаб, аждодлардан авлодларга ўтишини таъминлаб келаётган оилалар кўп. Таниқли санъаткорларимиз ижросида алланинг бир неча вариантлари қўшиқ сифатида ижро этилган ва у тингловчиларнинг олқиш-этиборига сазовор бўлмоқда. Илгарилари бундай қўшиқларни жонли ижрода, телевизор, радио ёки аудиоқурилма орқали эшитган бўлсак, замонавий технологиялар ривожланиши натижасида бундай имкониятлар янада кенгаймоқда. Бугунги кунда аллаларни мобиль телефонларга ёзиб олиб ҳам хоҳлаган пайтда тинглаш имкониятига эга бўлмоқдамиз.

Бироқ масаланинг яна бир томони бор. Фан ва технология тараққий этган асримизда доимий ҳамроҳимиз ва яқин дастёримизга айланган мобиль телефон орқали юмушларимизни тез ва осон ҳал қилаймиз, ундан таралаётган электромагнит тўлқин соғлигимизга қанчалик зарар етказётгани ҳақида кўпинча ўйлаб кўрмаймиз. Унинг ўсиб-ўлғайиб келаётган болалар саломатлигига зарари янада юқори бўлишини мутахассислар бот-бот таъкидлашмоқда.

КЎЗЛАРИНГИ ПИРПИРАТМА, БОЛАКАЙ...

Тўрт ёшли Асқаржон кўзларини тез-тез пирпира-

тадиган одат чиқарди. Дастлаб оиласидагилар бунга эътибор беришмади. Болада, аста-секин ўзини ўнглаб олади, деди отаси. Бироқ боланинг аҳволи яхшиланиш ўрнига унинг соғлиғи билан боғлиқ янги-янги муаммолар пайдо бўла бошлади. Унинг кўзини пирпиратадиган одати кучайди, сал нарсага жаҳл қиладиган бўлиб қолди, уйқусизликдан азият чека бошлади. Шифокор унга гиперкинез ташхисини қўйди. Бола тинимсиз мобиль телефон ва компьютер ўйинига берилиши натижасида юзга келган ноҳўя одат эканини айтди.

— Ота-оналар билан суҳбатлашганимизда, улар ўғли ёки қизининг зеҳни ниҳоятда ўткирлигидан, боласи бирикки ёшлигидан буён мобиль телефон, компьютер ва бошқа замонавий технологиялардан бемалол мустақил фойдаланаётганидан фахрланиб гапирди, — дейди пойтахтимиздаги 1-болалар шифохонаси неврология бўлими мудир, тиббиёт фанлари номзоди Дилором Нурматова. — Баъзи ота-оналар фарзандларига бундай воситалардан истаганича фойдаланиш имкониятини яратиб беришади. Бола эртадан кечгача мобиль телефон, тетрис ёки компьютерда ўйнаб ўтиради. Ота-оналарнинг айнан ана шундай эътиборсизлиги болаларда ўйинпарастлик касаллигини келтириб чиқараётганини кўпчилик тушунмайди. Мобиль алоқадан кўп фойдаланадиган ва телефон ўйинига берилган болаларда иммунитет пасайиши, камқонлик, мияда қон айланиши бузилиши, хужайралар фаолиятининг салбий томонга ўзгариши, лимфа тугунларида шиш пайдо бўлиши кузатилади.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОН ВА САНИТАРИЯ-ГИГИЕНА МЕЪЁРЛАРИ

Мобиль телефондан фойдаланишнинг ҳам ўз меъёрлари ва қоидалари бор. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мобиль телефондан фойдаланишда амал қилиниши лозим бўлган санитария меъёрлари ва қоидаларига кўра, 300 мегагерцдан 2 гигагерцгача частота диапазонда бўлган қўл телефонлари фойдаланишга яроқли ҳисобланади. Санитария-эпидемиология назорати марказларининг санитария-гигиена лабораторияларида аппаратларнинг бу талабларга мослиғини текшириш имкониятлари мавжуд.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, телефон орқали икки-уч дақиқадан ортиқ вақт мулоқот қилинса, эшитиш органларида ҳарорат ошиб, чарчоқ, асабийлашиш, кўнгил айниши пайдо бўлади. Кўпчилик бундай ҳолатда бош оғриғига қарши дори ичади. Аммо дори электромагнит тўлқин таъсирини организмдан чиқаришга ёрдам беролмайди. Тоза ҳавода сайр қилиш ва жисмоний фаоллик орқали бундай ноҳўя вазиятни бартараф этиш мумкин. Ҳомиладор аёллар ва 18 ёшгача бўлган ўсмирларнинг мобиль телефондан кўп фойдаланиши янада ташвишли оқибатларга олиб келади.

Баъзилар овоз кучайтиргич орқали гаплашилса, электромагнит тўлқиннинг таъсири бўлмайди, деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, бу мослама тўлқини бир нуқтага йўналтириши билан телефондан кўра ҳам зарарлироқдир. Қўл телефонни имкон қадар ўзимиздан узоқ масофада олиб юрган маъқул.

Телефондан узоқ вақт фойдаланган ва бу борадаги санитария меъёрлари ҳамда қоидаларига риоя этмаганларда кейинчалик асаб, қулоқ касалликлари, хафақон ва бошқа хасталиклар келиб чиқиши мутахассислар томонидан исботланган.

— Бугун тараққийнинг илғор воситалари кириб бормаган бирор хонадон қолмади десак, муболага бўлмайди, — дейди Чилонзор туманидаги «Шарқ тонги» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси

Муаттар Раҳимова. — Ёшларимизнинг бундай илғор технологиялардан моҳирона фойдаланаётгани қувонарли, албатта. Аммо ҳар нарсада ҳам меъёр борлигини барчамиз ёдда тутишимиз зарур. Айниқса, чақалоғига мобиль телефондан мусиқа, қўшиқ, алла эшиттираётган ёш оналар бу фарзанди саломатлигига салбий таъсир қилаётганини, болаларнинг маънавий тарбиясига ҳам зарар етказётганини англаб етишлари керак. Маҳалла маслаҳатчиси ва педагог сифатида бундай ҳолатларга дуч келганимда, албатта, ёш келинларга хатога йўл қўяётганини айтаман. Маҳалла томонидан ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда ёшларга бундай муаммоларнинг салбий жиҳатлари хусусида маълумот берилади. «Оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги доирасида йигит-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга доир кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ ҚАЕРДА ШАКЛЛАНДИ?

Халқимизда одоб-ахлоққа доир кўплаб тартиблар шаклланган. Саломлашиш одоби, юриш-туриш, жамоат жойида ўзини тутиш одоби, оилавий, дўстона муносабатларда, маърака-маросимлардаги одоб-ахлоқ меъёрлари...

Ёшларда замонавий ахборот технологиялари, хусусан, мобиль телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантириш, бу борадаги тиббий билим ва дунёқарашни ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобиль телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ана шу йўналишдаги долзарб вазифаларни ижро этишга хизмат қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактабида мазкур қарор ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишдим.

...Мактабда қўнғироқ жарағлади. Бир пасда катта зални ўқувчиларнинг қувноқ

овозлари қоплаб олди. Та-наффусдаги бўш вақтдан ўқувчилар қандай фойдаланар экан, дея кузатиб турдим. Бир гуруҳ ўқувчилар мактаб янгиликлари илинган стенд олдида жамланди. Яна бир гуруҳ ёшлар мактаб боғига экилган ниҳоллардан хабар олишга ошиқди. Синфда қолган уч-тўрт ўқувчи кейинги дарсга тайёргарликка ҳозирланди. Хуллас, мобиль телефон орқали мулоқот қилаётган бирорта ўқувчини учратмадим.

Мактаб директори Феруза Турсунметованинг айтишича, таълим муассасида жорий этилган мобиль телефондан фойдаланишнинг ички тартиб-қоидаларига барча риоя этиши устидан доимий назорат йўлга қўйилган. Бир минг саккиз юз нафарга яқин ўқувчи таҳсил оладиган мазкур таълим даргоҳида «оила — маҳалла — мактаб» ҳамкорлиги доирасида ўқувчилар ўртасида ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирлар жараёнида ушбу йўналишда қабул қилинган қарорнинг мазмун-моҳияти ота-оналар, маҳалла фаоллари, ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб этилмоқда.

Мактабда жума — маънавий куни деб эълон қилинган. Шу куни мактаб миқёсида ва синфларда маънавий соатлари, турли тадбирлар ташкил этилади. Бу жараёнда ёш авлоднинг замонавий технологиялардан, жумладан, мобиль телефондан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ўқув даргоҳида шу кунларда китобхонлик ойлиги ўтказилмоқда. Унинг доирасида «Хотира азиз, кадр муқаддас», «Миллий анъана ва қадриятлар — камолот омили», «Замонавий технологиялар ва инсон маънавияти» каби мавзуларда психологлар, педагоглар ва ўқувчилар иштирокида учрашув, мулоқот, ижодий кечалар ташкил этилмоқда. Бундай тадбирларда фаол иштирок этаётган ўқувчилар таълим соҳасида юқори натижаларга эришмоқда. Мазкур мактабда фан олимпиадалари, давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ўтказилаётган турли кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлаётган ўқувчилар сони кўпайиб бораётгани бунинг исботидир. Фан ва техника ютуғидан тўғри ва оқилона фойдаланиш инсон камолотига хизмат қилади. Бу борадаги қоида ва меъёрларга риоя этмаслик эса инсон саломатлиги ва маънавиятига жиддий зарар етказишини, мобиль телефон ўйинчоқ эмаслигини асло унутмаслигимиз керак.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ТАШАББУС ВА ҲАРАКАТ ТАНТАНАСИ

Қашқадарё вилоятида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Фестиваль доирасида пойтахтдан келган бир гуруҳ меҳмонлар — депутат ва актёрлар, ёш олимлар, шоир ва ёзувчилар, хонандалар, спортчилар иштирокида вилоятнинг барча туманларида бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Уларга қўшилган вилоятдаги ўнлаб фаол ва турли соҳаларда иқтидори бор ёшлар маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий, спорт ва соғлом турмуш тарзи йўналишлари бўйича тарғибот гуруҳларига бўлиндилар.

ҲАММА МАЙДОНГА ЧИҚСИН!

Ёшлар фестивали дастуридаги биринчи манзил Нишон тумани бўлди. Нишон маиший хизмат кўрсатиш коллежида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида қизлар ўртасида волейбол ва ўғил болалар ўртасида футбол бўйича «Камолот» кубоги» мусобақалари ўтказилди. Мусобақаларда тумандаги олти колледж жамоаси ўзаро беллашди. Спорт байрамида олти юз нафар йигит-қиз иштирок этди.

Худди шу лойиҳа Муборак туманида ҳам катта қизиқиш билан қарши олинди. «Машъал» қишлоқ фуқаролар йиғини худудидаги сунъий қопламали майдонда бўлиб ўтган футбол мусобақасида 150 нафар ёш ҳаваскор спортчи иштирок этди.

Қарши ахборот технологиялари коллежида ташкил этилган лойиҳада эса талабалар бадминтон ҳамда югуриш марафонида ўз куч ва имкониятларини синовдан ўтказди.

ТАРҒИБОТ — ЭНГ ЯХШИ УСУЛ

Ёшларга мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш масъулияти ўз зиммаларида эканини тушунтириш ва улар ўртасида боқимандалик кайфиятини йўқотиш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшаётган, интеллектуал салоҳияти юқори, иқтидорли, ижодкор ва фаол ёшларни рағбатлантириш, ёшларнинг дунёқараши ва фикрлаш доирасини кенгайтириш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб етишиши, жамиятда ўз ўринларини топишлари, танлаган соҳасининг етук мутахассиси бўлишларига қара-

тилган тарғибот ишларини амалга ошириш мақсадида фестивалда уч йўналишдаги тарғибот гуруҳлари фаолият олиб борди.

Маънавий-маърифий соҳа тарғиботчилари Президентимиз асарларининг мазмун-моҳияти, «оммавий маданият»нинг турли кўринишлари ва уларнинг салбий оқибатлари, кийиниш ва муомала маданиятини, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, одам савдоси, миссионерлик, диний экстремизм, терроризмга қарши курашиш ва бошқа масалалар юзасидан ёшлар ўртасида тушунтириш олиб боришди. «Президент асарлари билимдони», «Сиз севган қахрамон», «Замонамиз қахрамонлари», «Оммавий таҳдидлар ва ёшлар маънавияти» каби лойиҳаларни ўз ичига қамраб олган мазкур йўналишда учрашув, семинар ва давра суҳбати шаклидаги тадбирлар ташкил этилди.

Маънавий-маърифий йўналишдаги яна бир лойиҳа — «Биз соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!» лойиҳаси нафақат тарғибот, балки тақдимот шаклида ўтказилгани ҳам эътиборга моликдир. Таъкидлаш керак, жорий йилда мазкур лойиҳа ёшлар фестиваллари дастурига илк марта киритилди. Унинг доирасида Қашқадарё вилоятининг қатор туманларида истиқомат қилувчи ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига қизиқувчи юзлаб ёшлар Ҳаракат ташаббуси билан ҳар йили ўтказилаётган Миллий интернет танлови — «MIT.uz» лойиҳаси билан батафсил танишиш имконига эга бўлдилар.

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳа тарғиботчилари олдида давлатимиз раҳбари



томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси», шунингдек, Конституция ва юртимизда қабул қилинган ёшлар масалалари билан боғлиқ ўнлаб қонун ҳужжатлари, кодексларнинг мазмунини кенг тушунтириш вазифаси қўйилди. Бу йўналишдаги тарғибот ишлари «Депутат ва ёшлар» лойиҳаси доирасида, айниқса, юқори самара берди. Масалан, Китоб тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган маҳаллий ёшларнинг депутатлар билан учрашуви чоғида 150 нафар йигит-қиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига ўз таклиф ва саволлари билан муносабат қилди.

Соғлом турмуш тарзи ва спорт тарғиботчилари томонидан бугунги кундаги долзарб экологик муаммолар, ОИВ/ОИТС ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олиш, ичкиликбозлик, кашандалик ва гиёҳвандлик каби салбий иллатларга қарши курашишга қаратилган семинарлар, спорт мусобақалари ташкил этилди.

ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ҲАМ ВАҚТ ТОПИЛДИ

Бўлмаса-чи! «Камолот»чилар қаерда бўлмасин, меҳр ва кўмакка муҳтож болалар, ёлғиз кексаларнинг кўнгилни кўтаришни асло қанда қилишмайди. Фестиваль эса ана шундай хайрли ишлар учун айна муддао. Ахир, шунинг учун ҳам улкан лойиҳа таркибига алоҳида лойиҳа ҳам киритилган-да. Бу — «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» акциясидир. Акция меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар, қариялар ва саховат уйларида ташкил этилади. Жумла-

дан, хайрли тадбир Яккабоғ туманидаги саховат уйида ҳам бўлиб ўтди. Пойтахтдан ёшлар фестивалида қатнашиш учун келган меҳмонлар саховат уйидаги қариялар ҳолидан хабар олишди.

«ЁШЛАР МАРКАЗИ»ДА КЎРГАЗМА

Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази» фестивал кунларида ёшлар билан, айниқса, гавжум бўлди. Фестиваль қатнашчиларига алоҳида манзур бўлган нақ иккита йирик лойиҳа учун худди шу жой танлангани ҳам бежиз эмас. Биринчиси — «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам» лойиҳасидир. Унинг доирасида вилоятдаги ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада юз нафарга яқин касб-хунар коллежлари битирувчилари жалб этилиб, уларга тадбиркорлик бўйича маҳорат дарслари ўтилди.

«Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган яна бир лойиҳа «Камолот» кутубхонаси» деб номланади. Жорий йилда Ҳаракат томонидан ёшларга ўқиш тавсия этилувчи ўзбек ва жаҳон адабиётининг энг сара асарлари қайтадан нашр этилиб, бепул тарқатилмоқда. Фестиваль давомида қашқадарёлик ёшлар «Камолот» кутубхонаси»дан жой олган дурдона китоблар билан таништирилди.

АМФИТЕАТРДА ГАЛА-КОНЦЕРТ

Қарши шаҳридаги амфитеатрда «Мустақиллик фарзандлари» деб номланган гала-концерт уч кунлик ёшлар фестивалига яқун ясади. Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Асрор Жўраев барчани ёшлар байрами би-

лан табриклар, фестивалда фаол иштирок этган йигит-қизларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

Шундан сўнг «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Алишер Насриддинов сўзга чиқиб, ёшларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, истеъдодини намоян этишлари учун мамлакатимизда яратилган шароитлар борасида фикр билдириб, Қашқадарё вилояти ҳокимлигига Ҳаракатнинг ташаккурномасини топширди.

Турли соҳаларда юқори кўрсаткичларни қайд этган истеъдодли ёшлар ҳам тақдирландилар.

— Фестивалда университетимиз талабалари билан биргаликда ёшларни соғлом ахборот муҳитига жалб этиш ҳамда хавфсиз ахборотдан фойдаланишга тарғиб этиш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бордик, — дейди Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали талабаси Жасур Шодиев.

Қарши муҳандислик-иқтисодий институтини талабаси Умидбек Сафаровнинг айтишича, фестиваль доирасида ўтказилган «Депутат ва ёшлар» учрашуви унга мамлакатимизнинг қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган қўшимча ва ўзгартишлардан хабардор бўлиш, шу орқали ҳуқуқий-сиёсий билимини оширишга ёрдам берди.

Фестивалда иштирок этган олимлар, таниқли шоир ва ёзувчилар, санъаткорларнинг чиқишлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шавкат КАРОМОВ,
«Turkiston» муҳбири

ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ВАТАНИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Тошкентда 23 — 25 апрель кунлари ўтказилган аънавий VII Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси якунланди

Истиклол йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланиб, янада тараққий этиб бормоқда. Айниқса, сўнгги йилларда илм-фан соҳасида қўлга киритилаётган улкан ютуқлар республика иқтисодиётида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар етиштиришни рағбатлантирибгина қолмай, дунёда аналогига бўлмаган янги-янги турдаги санат намуналарининг яратилишига катта имкон яратди. Натижада, мамлакатимиз миқёсида қисқа фурсатда илмий асосланган фундаментал марказлар салоҳияти юксалди. Нафақат импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, балки экспортга мўлжалланган янги турдаги хомашлар, материаллар ҳам санатда кенг қўлдан ишлаб чиқарила бошланди.

Етти йилдан буён аънавий равишда ўтказиб келинаётган ярмарка бу гал ҳам пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» павильонларида бўлиб ўтди. Мазкур ярмарка ташкил этилиши натижасида илмий-тадқиқот институтлари, марказлари ва олий таълим муассасаларидаги илмий-тадқиқот лабораториялари билан халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Ўтган йиллар давомида ўтказилган ярмаркалар доирасида икки мингдан

ортиқ инновацион ғоялар ва технологиялар намоиш этилиб, умумий молиявий ҳажми 59,4 миллиард сўм бўлган 1945 та шартнома имзоланган. Шартномаларнинг бажаралиши натижасида йигирма бир номдаги янги маҳсулотлар серияли ишлаб чиқилмоқда, олти миш тўққизта шартнома асосида маҳсулотларнинг тажриба-синов ва санат намуналари яратилди. Юзлаб корхоналар, фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектларига илмий хизматлар кўрсатилди.

Давлатимиз раҳбарининг Осиё куёш энергияси форумининг олтинчи йиғилишида сўзлаган нутқи илмий тадқиқот марказлари, илмий-иждоий фаолият билан шуғулланаётган олимлар, ёш тадқиқотчилар олдида жуда катта вазифаларни қўйди. Юртбошимиз мазкур форумда таъкидлаб ўтганидек, Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кун очик бўлиб, мамлакатимиз йил давомида куёшли кунларнинг кўпчилиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга. Муқобил энергия ресурслари ҳисобидан мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан қирқ баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Президентимиз қўйган вазифалардан келиб чиқ-

қан ҳолда аънавий равишда ўтказиб келинаётган «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси»да бу гал куёш, сув ва шамол энергиясидан самарали фойдаланиш, биологик ёнилғи ва газ олишини эллиқдан ортиқ технологиялари ва инновацион ечимлари алоҳида намоиш этилди. Ярмаркада юздан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот, олий таълим ва тажриба конструкторлик марказларининг беш юздан зиёд технология ва ишланмалари намоиш этилди.

Ярмаркада намоиш этилган муқобил энергия манбаларининг турли-туманлиги, айниқса, уларнинг қуввати, иқтисодий самараси, қўлланиш жабҳалари ҳеч кимни бекор қолдирмади. Ёш олимлар қаторида юртимизнинг олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказларидан келган иқтидорли ёшларнинг илмий ишланмалари, янги технологияларнинг намуналари ўрин олди.

Павильонда турган мўъжазгина куёш батареялари билан қизиқдик. Тошкент давлат техника университети 2-курс электроника ва микроэлектроника мутахассислиги магистранти Саидолимхон Сайдалиев ярмаркада яқка тартибда фойдаланиш учун мобил куёш электростанцияси ишлан-



маси билан иштирок этди.

— Монокристалли кремний ашёсидан тайёрланган куёш панели ва алоҳида мобил станциядан иборат бу қурилма бир вақтнинг ўзида уяли телефон ва ноутбукни қувватлантиради. Иккита 220 вольтли розетка ёрдамида битта телевизор ва хонани ёритиш учун бир соат давомида фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари электростанциянинг қуввати ўн олти соат давомида битта хонани ёритишга бемалол етади. Яна бир қулайлиги ишланма ўзи куёш томонга бурилиб, ёруғлик тутувчи мослама ёрдамида ишлайди. Ускуна айна пайтдаги мавжуд станциялардан икки баравар кўп қувват-

га эга бўлиб, бор-йўғи икки килограмм оғирликка эга, — дейди ёш тадқиқотчи С.Сайдалиев.

Дарҳақиқат, ярмарка йилдан йилга янги мазмун билан бойибгина қолмай, ихтирочиларни илмнинг янги-янги уфқлари сари илҳомлантирмоқда. Натижада олий таълим муассасаларида иқтидорли талабаларни илмий-иждоий изланишларга жалб этиш жараёни жадаллашганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

— Етти йилдан буён мазкур ярмаркада фаол иштирок этаймиз, — дейди Урганч давлат университети экология ва барқарор тараққиёт таъли кафедраси мудири Пў-

лат Камолов. — Бундан етти йил аввал ўтказилган илк ярмаркага университетимиз олимларининг ўн иккита лойиҳаси билан келган эдик. Бу йил эса ярмаркада эллиқдан зиёд илмий ишланмаларимиз тақдим этилди. Йилдан-йилга мазкур ярмаркада ёш олимларимиз, талабаларимиз ўзларининг янги лойиҳаларини тақдим этмоқдалар. Илмий салоҳиятнинг ортиб бораётгани бу соҳага қаратилган катта эътибор самарасидир.

Ярмаркада тармоқлар ва ҳудудларнинг алоҳида тақдимотлари ташкил этилди.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА,
«Turkiston» мухбири

Жорий — 2014 йил юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Дарҳақиқат, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақдан етук ва маънан баркамол бўлиб вояга етишиши мамлакат келажиги, жамият тараққиётининг муҳим белгиси ҳисобланади.

Истиклолнинг илк йилларида мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳар қандай инсоннинг энг мўътабар орзуси, астойдил интилган асосий мақсади — соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, ҳар томонлама комил инсонни вояга етказишдан иборат». Шу мақсадда жамиятнинг бошқа соҳалари қатори таълим тизими тубдан ислоҳ этилди. Ўзбекистон Республи-

касининг «Таълим тўғрисида»-ги қонуни ҳамда «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётган бўлса, «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши ахлоқий ва жисмоний баркамолликни тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қонунга кўра: «Мақтабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, талабалар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, уларда жисмоний баркамоллик эҳтиёжини шакллантириш мақтабгача тарбия муассасалари ва ўқув юрларининг асосий вазифаси ҳисобланади».

Ёш авлодга берилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг ижобий ҳосилаларини кундан кунга кўриб бормоқдамиз. Ўғил-қизларимиз халқаро миқёсда ўзларининг ақлий ва жисмоний салоҳиятларини намоён этмоқдалар. Зеро, ҳар қандай миллатнинг равнақи, башарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзан-

дларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир.

Исломи дини таълимотларида инсон ҳаётининг фақат руҳий, маънавий камолотига эътибор бериб қолмай, айна вақтда, унинг жисмоний жиҳатлари ҳам қамраб олинган. Алломаларимиз руҳий ва моддий ҳаётни нарвоннинг икки поясига ўхшатишади. Яъни инсоннинг эътиқоди кучли, мустаҳкам бўлиш билан бирга жисмонан соғлом бўлмоғи лозим. Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Кучли мўмин киши Аллоҳ хузурида кучсиз мўминдан яхшироқ ва маҳбуброқдир», деганлар.

Исломи дини соғлиқни сақлашга катта аҳамият бериб, тозалликка риоя қилишга, соғлиққа зарар етказувчи ва атрофни ифлос қилувчи нарсалардан узоқ бўлишга, бадан тарбияга, жисмни қаттиқ толиқтирадиган машғулотларни қилмасликка алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Фарзанд Аллоҳ таолонинг буюк неъматидир. У ота-она

зиммасида масъулияти жуда катта бўлган омонат. Ҳар бир ота-она ўз фарзандини соғлом, аҳли солиҳ, маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади.

Бу борада Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам) қатор кўрсатмалар берганлар. Мана, улардан айримлари:

«Ҳеч бир ота ўзининг боласига яхши тарбия ўргатишда одоб беришдан ортиқ ҳадя қилолмайди» (Имом Бухорий).

«Эй, Расулуллоҳ! Биз отонинг ҳақини билдик. Аммо фарзанднинг ҳақи нимадан иборат?» деган саволга Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Унга чиройли исм қўйиб, гўзал одоб бериш», дедилар» (Байҳақий).

Ота-оналар фарзандларининг юриш-туришига, кимлар билан алоқада бўлаётганига бепарво қарамаслиги керак. Айниқса, фарзандларимизнинг бўш вақтини қандай ўтказётганига эътиборли бўлишимиз лозим. Чунки фарзанд — отонининг қадрли ва шаъни. Де-

мак, фарзандларимизга эътибор, уларни турли зарарли таъсирлардан муҳофаза этиш ўзимизнинг шаънимиз ва кадр-қимматимизни сақлашимиз, дегани ҳамдир. Муҳтарам Юртбошимиз «Юсак маънавият — энгилмас куч» асарига фарзандларнинг маънавий тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишлари бежиз эмас, чунки: «Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзи-бўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин».

Бу давлатни доимо ёдда тутишимиз керак. Зеро, келажак бугундан бошланади.

Жалолiddин НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот котиби

БАРКАМОЛЛИК САРИ

■ 2014-yil — Soғ'lom bola yili ■

Iftixor

МАРДЛИК ВА КУЧ- ФАЙРАТ ТИМСОЛИ

Уч ярим минг йиллик тарихга эга ўзбек миллий спорт тури — кураш мустақиллик йилларида тамома янги босқичга кўтарилиб, муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлмоқда.



Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари таркибига бирлашган бир юз йигирмадан ортиқ давлатда жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилаётир.

Олижаноб хислатларни ўзида мужассам этган ва инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ўзбек кураши ўзининг адолатли тартиб-қоидалари, чиройли усуллари билан жаҳон халқларининг эътиборини тортмоқда.

Буларнинг барчаси ўзбек кураши умуминсоний қадрият сифатида Олимпия ўйинлари сафидан муносиб ўрин олишга ҳақли эканлигининг тасдиғидир. Шу боис Осиё олимпия кенгаши ўзбек курашини жорий йилнинг ноябрь ойида Таиланднинг Пхукет оролида бўлиб ўтадиган Осиё соҳил ўйинлари дастурига расман қўшилгани маълум қилди.

Яқинда Таиландда Кураш халқаро ассоциацияси Осиё Кураш конфедерацияси ҳамда Таиланд кураш федерацияси билан ҳамкорликда ҳакамлар, мураббийлар ва курашчилар учун соҳил кураши қоидалари бўйича махсус семинар ўтказди.

Таиланд пойтахти Бангкокда ўтказилган семинарда Кураш халқаро ассоциацияси мутахассислари ва Осиё кураш конфедерациясига аъзо мамлакатлар федерацияларидан юздан ортиқ мураббий, ҳакам ва курашчилар иштирок этди. Тўрт кунлик семинарда 2014 йил 14 — 23 ноябрь кунлари Таиланднинг Пхукет шаҳрида ўтказилган IV Осиё соҳил ўйинлари дастури доирасидаги расмий мусобақаларда соҳил кураши қоидалари кўриб чиқилди ва ўрганилди.

Мавзу юзасидан семинар иштирокчиси, кураш бўйича Таиланд терма жамоаси бош мураббийи Олим Ҳайитов билан суҳбатлашдик:

— **Соҳил кураши қоидаларига қандай ўзгаришлар киритилди?**

— Соҳилда курашнинг асосий қоидалари ўзгармагани ҳолда баъзи жойларига янгиликлар киритилган, жумладан, курашдаги «танбех», «чала» сўзлари соҳил курашига киритилмади. Курашчига оғохлантириш берилади, албатта, аммо бу сўзлар соҳил курашида деярли рол ўйнамайди. Соҳил курашида фақат «ҳалол», «ёнбош», «даки» сўзлари ўзгармаган. Пол-

вонларнинг формаси — кураш яктаги ранглар жиҳатидан ўзгармаган. Уйин соҳилда, кум устида бўлиб ўтишини инobatга олган ҳолда фақат уларнинг энг қисми тирсакка қадар қисқартирилган.

— **Соҳил кураши ўзимизнинг полвонларга қанчалик қўл келади?**

— Бу ўзимизнинг ўзбек полвонларига жуда ҳам қўл келади, деб ўйлайман. Чунки Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд ҳамда Хоразм вилоятларида тўйларда, сайилларда йил — ўн икки ой худди шундай кум устида кураш тушилади.

— **Мусобақага таиландлик полвонлар қай даражада тайёргарлик кўришмоқда?**

— Соҳил кураши мусобақаларига таиландлик полвонлар ҳам жамоалар бўйича, ҳам якка ҳолда юқори натижаларни қўлга киритиш учун пухта тайёргарлик кўришмоқда. Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган семинарда Таиланднинг етти вилоятдан ҳакамлар, мураббийлар ва полвонлар иштирок этди. Семинар мобайнида яна кураш федерацияларининг бўлимларини очиб дастурга киритилиб, режага асосан иш

юритилмоқда. Таиланд терма жамоасининг жорий йилдаги асосий мақсади Осиё соҳил ўйинларига юқори даражада тайёргарлик кўриш. Шу билан бирга, Хитой Тайпейда ёшлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида Таиланд ёшлар терма жамоаси иштирок этиши кўзда тутилган.

2013 йил февраль ойида Таиланд кураш ассоциациясининг таклифига биноан, кураш бўйича Бангкок университетида мураббийлик қилдим. 27 нафар таиландлик талаба курашчини Ассоциациянинг тақвим режасига асосан Инчионда бўлиб ўтган ёпиқ иншоот ўйинларига тайёрладик. Уч нафар ўғил, икки нафар қиз полвонлар терма жамоада олти ой тайёрланди. Тайёргарликнинг учинчи ойидан сўнг биз натижаларни кўриш учун уларни Ўзбекистонга — ҳам Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган 11-анъанавий халқаро турнирга, ҳам ҳар йили бўлиб ўтадиган Фарғонадаги йирик халқаро турнирга олиб келдик. Икки нафар таиландлик полвон қиз чемпион бўлди. Шу билан бирга 66 килограмм вазн тоифасида 32 нафар полвон орасидан таиландлик курашчи Фарғонадаги турнирда олтин медални қўлга киритди. Ушбу полвон Сурхондарёда бўлиб ўтган ат-Термизий хотира турнирида ҳам бронза медалга сазовор бўлган эди. Таиландга қайтганимизда, полвонларни катта эътибор, ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишди. Кўтаринки руҳда тайёрланган полвонлар шундан сўнг Инчиондаги ёпиқ иншоотлар мусобақаларида иштирок этишди. Кўплаб хоризм давлатларида ўзбек миллий курашига эътибор ниҳоятда катта. Бу ҳам бўлса, курашнинг ҳалол, ҳаққоний тамойилларга асосланганидандир. Кураш билан бир марта шуғулланган спортчи унинг жозибасини ҳис қилади.

**Жамшидбек НАМОЗОВ,
Гулрухсор
ХУДОЙБЕРДИЕВА**

Talaba tadqiqoti

СИМВОЛИК ШАКЛЛАР ВА ТАФАККУР

Одатда, «символ» деганда кўз ўнгимизда муайян белги гавдаланади. Лекин бу билан биз символнинг мазмунини тўлиқ англай олдик, деб айта олмаимиз. Аслида символ бизнинг мавҳум фикр ва ғояларимизни образли акс эттирган моддий ифодадир.

Символик шаклларнинг тарихий илдизлари афсоналарга бориб тақалади. Зеро, инсониятнинг буюк интеллектуал мероси айнан миф ва асотирлар негизда шаклланганлиги барчамизга маълум. Бу ўринда миф ва асотирларни инсон тафаккурининг энг ажойиб, тақдорланмас маҳсули сифатида ўрганишимиз керак. Борлиққа назар ташласак, бу олам символик шакллардан ташкил топганлигини кузатамиз. Масалан, қадимги даврдаги иероглифлар, пиктография ёки расмий чизмалар, диний урф-одатларимизнинг бажарилиши, тил, санъатнинг барча йўналишлари, меъморчиликда қўлланилаётган усуллар, безаклар, нақшлар, мусиқий йўналишлар, тижорат рекламалари, турли логотиплар — буларнинг барчаси символик шаклларга мисол бўлади. Немис файласуфи Эрнест Кассирернинг фикрича, маданиятнинг турли шакллари ҳисобланган тил, дин, фан, санъат,

тарих ва бошқалар «символик шакллар» бўлиб, улар бир-бирига ўхшамаган мустақил ҳамда бир-бирининг ўрнини боса олмайдиган ҳодисалардир.

Символик шаклларни яратишда ҳар доим ижодий тафаккурга таянилади. Машҳур юнон файласуфи Суқротнинг «ўзингни ўзинг англа» деган ҳикматида ҳам тафаккурга катта аҳамият қаратилганлигини кўришимиз мумкин. Тафаккур орқали инсон борлиқни, унда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни ҳамда шу жараёнлардаги ўз ўрнини англаб етди. Президентимиз Ислам Каримовнинг «Куч — билим ва тафаккурда» деган сўзларидан ҳам тафаккурнинг нақадар буюк куч эканлигини англаймиз.

Инсон муайян муаммони ҳал қилиш учун фикр юритиши керак. Ҳар бир инсоннинг тафаккур услуби ҳар хил бўлганидек, халқларнинг фикрлаш йўли ҳам бир-биридан фарқ қилади. Масалан, халқимиз-

нинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос урф-одатлари, маросимлари ва қадриятларида алоҳида мазмунга эга бўлган тафаккур услубини кўришимиз мумкин. Халқимизда жамоавийлик кайфиятидаги тафаккур услуби доминантлик қилади. Бу, айниқса, тўй-маъракаларда, хашарларда яққол намоён бўлади.

Тарихга назар ташласак, инсон тафаккури билан яратилган символик шакллар жуда бисёр. Қадимги Хитой, Миср, Ҳиндистон, Юнон тарихини символик шаклларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу эса, қадим замонларданок инсонларда ижодий тафаккур қилиш қобилияти юксак бўлганлигидан далолат беради. Бугунги кунда яратилаётган символик шакллар ҳам тафаккур услубимиз натижаси бўлмоқда. Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг ўз миллий символларини яратди. Гербимиз, мадҳиямиз, байроғимиз, Конституциямиз, миллий валютамиз бунинг тасдиғидир. Ушбу миллий символларда халқимизнинг тафаккур услуби ёрқин намоён бўлган.

**Фазлиддин ЁҚУБОВ,
ЎЗМУ магистранти**



Янги ном остида

«Microsoft» корпорацияси ўзига тегишли бўлган «Nokia» уяли телефон аппаратлари ишлаб чиқарувчи корхона номини ўзгартиришини маълум қилди.

Аниқроғи, унинг янги номи «Microsoft mobile» бўлиши кутилмоқда. Компания маҳсулоти — «Nokia» моделлари номи вақтинча ўзгармайди. Чунки телефон аппаратлари номининг ўзгариши, уларнинг савдосига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Бироқ янги ном остида компаниянинг бир қанча янги моделлари савдога чиқарилиши ҳам мумкин. «Microsoft» компанияси башоратига кўра, «Nokia» корпорацияси 2018 йилга келиб бозордаги улушини оширишни режалаштирган.

Довжурак дейсизми ёки?..

Француз бейсжамперлари (баладдан сакрайдиган спортчилар) Фред Фуген ва Винс Реффе жаҳон рекордини янгилашди.

Улар дунёдаги энг баланд бино — Бурж Халифанинг махсус платформасидан сакрашди. 828 метрли бинодан сакраган спортчиларга Дубай парашютчилар ассоциациясининг ўзи кўмаклашди. Парашютчилар пахта тушгунга қадар, бино атрофини айланиб учдилар. Аввалги рекорд 672 метр баландликдан сакраганларга насиб этган эди.

Тарихий сурат синди

Испанияда ўғрилар беш минг йиллик суратни синдириб қўйдилар. Аниқроғи, қоятошга ишланган суратни кўпориб олишга уринган кимсалар охир-оқибат унинг синиб кетишига сабабчи бўлган.

Сурат ЮНЕСКОнинг номоддий бойликлар рўйхатидан жой олган эди. Мутахассислардан иборат гуруҳ уни тиклай олмаслигини маълум қилди. Эраққ кишининг қўллари тасвирланган сурат дунёдаги 43 та ноёб суратдан бири эди. Унга жавобгар бўлган Андалусия миллий боғи кўриқлаш тизими яхши эмаслиги учун ҳукумат томонидан оғохлантирилди. Полиция деярли из қолдирмаган ўғриларни топишга ваъда бермоқда.

Айиқ идишини энди «ТОПГАНДИ»

Канадада бошига идиш тиқилиб қолган айиққа ёрдам кўрсатилди. Воқеа ҳақида кўриқхона ходими маълум қилган.

Йиртқич идишни қаердан топгани ва қанча вақт бу идишни бошига «кийиб» юргани номаълум. Аниқланишича, айиқ кийиб олган пластик идишда дон маҳсулотлари сақланган. Айиқнинг бошидаги идиш унга шикаст етказмасдан пичоқ билан кесиб ташланди. Йиртқични аҳоли тураржойларидан узоқроққа олиб кетишди.

**Интернет манбалари асосида
Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**

УЧ ҚУЛОҚЛИ ҚЎЗИЧОҚ

Ангор туманида яшовчи Абдулазиз Хуррамов хонадонидан парвариш қилинаётган сиз сурагидики кўриб турган мана бу қўзичоқ бошқа ушоқ моллардан ажралиб туради. Диққат билан қаранг, бош қисмида қўшимча яна битта қулоғи борга ўхшайди! Мўъжиза, а?

Бир кўрган одам уни ростдан ҳам қулоқ бўлса керак, деб ўйлайди. Лекин авайлаб ушлаб кўрсангиз (бу эса осон эмас, қўзичоқ тутқич бериши қийин, уни эгаси зўрға ушлади) у сиз билан биз биладиган қулоққа ўхшамайди.

Хонадон бекаси Севара Хуррамованинг айтишича, қўзичоқнинг бу қўшимча «қулоқча»си аслида қулоқ эмас, кексалар уни жониворнинг тумори дейишар экан. Хар нарсадан яхшилик изловчи ва уни топадиган халқимизнинг бу таърифи ҳам бежиз эмас. Бу гапни эшитиб, разм солгандик, жониворнинг бошига чиндан ҳам тумор тақилгандек туюлди.

Ўш, бу ҳақда мутахассис нима дейди?
— Ҳайвонларнинг ай-

римларида учрайдиган мазкур ҳолат фанда генетик ўзгариш деб аталади, — дея тушунтиради ветеринар Бахтиёр Зоиров. — Йирик ҳамда майда шохли молларда учраб турдиган, хромосомалар ўзгариши туфайли келиб чиқадиган мутация, десак ҳам бўлади. Бунақаси учраб туради ва унга ажабланмаслик керак.

Қўзичоқ диркиллаб ўйнаб юрибди. Бошқа қўзқўзилар қатори ўтлайди, улар билан бирга юради. Бизни хурсанд қилгани, унинг бошидаги тумори деймизми, қулоғи деймизми, қўзичоққа ҳеч қандай хавф тугдирмас экан.

Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири



Яқинда Жиззах вилояти ҳоқими Сайфиддин Исмоилов арнасойлик ёшлар билан учрашган ва унда ёшлар вилоят марказида янги ишга туширилган ишлаб чиқариш корхоналари билан яқиндан танишиши истагини билдиришган эди. Бу таклифдан келиб чиқиб ип-калава ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Jizzaxplasteks» ҳамда «Jizzaxkenteks» корхоналарига арнасойлик ёшларнинг саёҳати уюштирилди. Улар корхона фаолияти, иш жараёни билан яқиндан таништирилди.

ЯНГИ КОРХОНАЛАРГА САЁХАТ

— Юртбошимизнинг ўтган йили «Jizzaxplasteks» корхонасига ташриф буюриб, бу ердаги ишчи-ҳодимлар билан суҳбатлашгани, улар ҳақида кўп илиқ гаплар айтгани, маҳсулот тайёрлаш жараёнини кўриб, кўпчилигимизда бу корхонани биз ҳам кўрсак ёки у ерда биз ҳам ишласак, деган орзу уйғонган эди, — дейди Арнасой иқтисодиёт касб-хунар коллежи ўқувчиси Гулмира Мавлонова. — Замонавий технологиялар билан тиллашиб ишлаш одамга завқ бағишлайди. Бу ерда мураккаб техникаларни қунт ва синчковлик билан бошқараётган тенгдошларимизнинг ҳаракати бизда ҳавас уйғотади.

Саёҳат давомида бўлажак мутахассислар корхонада хизмат қилаётган уста-ҳодимлар билан суҳбатлашишди, иш жараёнини кузатишди. Мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи ишлаб чиқариш корхоналарида иш қандай кечишини кўриб, катта таассурот олишди.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

БАҲОР

*Боғлардан шўх-шодон наволар келар,
Дилимда туйғулар меҳмон бўлади.
Баҳор боғларимни гулларга безар,
Ўлкамда кезади абадий баҳор.*

*Настарин гулига ҳавас қиламан,
Қалбим ҳам ўхшаса шу маъсум гулга.
Баҳор келишини интиқ кутаман,
Сирли мактубларни битиб кўнгилга.*

Баҳовитдин ЙЎЛДОШЕВ,
Бекобод тиббиёт коллежи ўқувчиси

Yoshlik ilhomi

Хўла мева тури	Футбол клуби (Англия)						Тарин, қайта	Телефон русуми	Тинч, Атаангика, Ҳинд	Бол (синоним)
Актёр, санъаткор	Ковун нави	Ҳеч қачон, асло	Торли чолу	Дўстаник кинзи	Ёзувчи аёл	Ибодат, сивиниш				
			...-тусан				Гулдон	Нур, шуъла, ёруғлик		
Спектакль кўйилган маскан	Амал қилиш (синоним)			Шиша «пиеёла», қадаҳ	...-тушак	Шеърнат, лирика				
			Пуфак				Мисрдаги дарё			
Илдиз	Кислородли бирикма	Ҳинд қўшиқчиси		Санчки (русча)	Ит хураб қарвон ...		Қизлар исми	Саҳна асари, пьеса		
		Манманлик, диндорлик	... Собиров (хонанда)			Ишнинг ... и йўқ	Мухаммад... Абдулхайров (актёр)	Ётиб қолгунча, ... қол		
Дарвеш ҳассаси				... Саиджонов (хофиз)	Томат асоси					
		Бува, дода	Чап акси				Раҳм ёри (Рамайяна)			
Попов ихтироси	Европадаги милаат	Тузлама шиша идиш			Суртма дори					
			Сунъий майсазор			Шаклош сузлар	Нигериядаги дарё			

Тузувчи: Фаҳриддин Раҳимов

«TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Медиа лойиҳамиз давом этади. Лойиҳа доирасидаги учинчи учрашув **2014 йилнинг 6 май** куни «Қамолот» ЕИХ Фарғона вилояти кенгаши раиси **Шерзод Раҳимов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни www.kamolot.uz сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни savol@turkiston.uz электрон манзили ёки **(+9 9871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва таклиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Самарқанд шаҳридаги Шоҳизинда таркибиди Ширинбека ово мақбараси бор. Айтинг-чи, шарафига мақбара бунёд этилган бу аёл ким бўлган?

Жавобингизни 29 апрель соат 16.00 га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамларига кўнғироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби: Камолиддин Беҳзод.

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Паркент тумани Сўқоқ қишлоғидан Фулом Илҳомов йўллади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Кенгаш икки турли бўлур. Бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

«Темур тузуқлари»дан